

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУРАТОВ ОКИЛБЕК АШИРБЕКОВИЧ**

**КОВШ-КОСИЛКА ЁРДАМИДА ЗОВУР ЗАҲКАШ ТАРМОҚЛАРИНИ  
ДАҒАЛ ЎСИМЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of  
Philosophy (PhD) on technical sciences**

**Муратов Окилбек Аширбекович**

Ковш-косилка ёрдамида зовур захкаш тармоқларини дағал  
ўсимликлардан тозалаш технологияси..... 3

**Муратов Окилбек Аширбекович**

Технология оқашивание коллекторно-дренажных сетей от  
грубостебельной растительности ковш-косилкой..... 21

**Muratov Okilbek**

Technology for mowing collector-drainage networks from- rough stemmed  
vegetation with a bucket-mower..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**МУРАТОВ ОКИЛБЕК АШИРБЕКОВИЧ**

**КОВШ-КОСИЛКА ЁРДАМИДА ЗОВУР ЗАҲКАШ ТАРМОҚЛАРИНИ  
ДАҒАЛ ЎСИМЛИКЛАРДАН ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.01.02 - Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2PhD/Т.293 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ирригация сув муаммолари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимов Шавкат Хударгенович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шеров Анвар Ғуломович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Жўраев Фазлиддин Уринович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**“ЎзГИП” МЧЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «07» июл соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 174- рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2021 йил «21» июн куни тарқатилди.  
(2021 йил 21 июндаги № 174 рақамли реестр баённомаси).



## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясини аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жахонда очик коллектор ва зовур тармоқларини тозалаш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Бу борада, ривожланган давлатларда очик коллектор ва зовур тармоқларини кўмилишини олдини олиш мақсадида дағал пояли ўсимликларни вегетатив даврида бартараф этиш, очик коллектор ва зовур тармоқлардаги дағал пояли ўсимликларни қовлаб тозалаш ва ўриб тозалашнинг самарали усулларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан очик коллектор ва зовур тармоқларининг туби ва ён қияликларидаги ўсимликларни ўриб тозалашнинг мақбул усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жахонда, мелиоратив ва ирригация тизимларини ишчи ҳолатда сақлаб туриш, мелиоратив ва ирригация тармоқларини ўсимликлардан тозалашни такомиллаштирилган технология ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мелиоратив ва ирригация тизимларининг параметрларига таъсир қилмасдан, дағал пояли ўсимликлардан ўриб тозалаш машиналари ва технологияларини яратиш ҳамда уларнинг ер ости - ер усти сувларни қабул қилиш, сув ўтказувчанлик қобилиятлари ошириш ва лойқа чўкиндилар билан тўлиб қолишини олдини олишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув хўжалиги тизимини ривожлантириш, меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, машина ва механизмларнинг янги авлодларини ишлаш технологиялари билан биргаликда яратиш бўйича чуқур назарий ҳамда тажрибавий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, технологияларни ишлатиш орқали янги ресурстежамкор инновацион ўриш мосламаларини такомиллаштирилган технологиялар билан яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024 «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тадбирлар тўғрисида» ги, 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3672-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чоратадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ковш-косилка ёрдамида зовур захқаш тармоқларини дағал ўсимликлардан тозалаш технологияларини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этиш билан ҳорижда Р.Варкер (АҚШ), С.Фергюсон (Голландия), I.Смут (Канада), М.З.Чионг (Германия), В.И.Фомин, В.В.Никитин, А.А.Мещеряков, Щ.И.Коган, Б.А.Шиманский, Л.А.Камышценцев, Ф.М.Магомедов, Н.Г.Фаталиев, И.Ф.Василенко, Ю.Ф.Новикова, А.А.Коршикова ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган. Очиқ коллектор ва зовур тармоқларини тозалаш учун махсус мелиоратив ўргичлар ёрдамида ўсимликларни кесишнинг математик моделлаштириш масалаларида Н.Е.Резник, Д.И.Макаренко, Е.С.Босой, В.И.Фомин ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Республикада мелиорация ва ирригация тармоқларини ўриш машиналари конструктив элементлари хисоблаш ва ўриш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар И.И.Юнусов, Т.Т.Таубаев, Б.С.Серикбаев, В.Н.Огневчук, А.Р.Муратов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган машиналар сув хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян даражада ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинаётган бўлсада, аммо очиқ коллекторлар ва зовур тармоқларидаги дағал пояли ўсимликларни ўриш билан бирга тозалаб кетиш технологиясини ишлаб чиқиш ва асослаш бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №КХА-15-009 «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида каналлардаги дағал пояли ўсимликларни ўриб йўқ қилиш янги технологияларини ва техник нормативларини яратиш» (2009-2012), №КА-3-011 «Қишлоқ хўжалиги (деҳқончилик, чорвачилик, мелиорация ва ўрмон хўжалиги) соҳаларининг истиқболга мўлжалланган комплекс

механизациялаш машина ва технологиялар тизимини ишлаб чиқиш. (Мелиорация, III-қисм)» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** очик коллектор ва зовур тармоқларининг параметрларига таъсир қилмасдан, дағал пояли ўсимликлардан тозалаш технологиясини яратиш ҳамда уларнинг сизот сувларни қабул қилиш ва ўтказиш қобилиятини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

очик коллекторлар ва зовур тармоқлари параметрларига дағал пояли ўсимликлар билан ўсиш таъсирини ўрганиш;

дағал пояли ўсимликлар билан ўсишнинг очик коллекторлар ва зовур тармоқлари кўмилишга, сувларни қабул қилиш ва ўтказиш қобилиятининг камайишига таъсирини ўрганиш;

очик коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликлардан ўриб тозалаш технологияси оптимал параметрларини лойиҳалаш ва илмий асослаш;

дағал пояли ўсимликларининг пояларини сув остидан ичига сув ва лойқа кирадиган кесим хосил қилишини инобатга олиб, сув остидан пояларни эгилтирмасдан кесиш траекторияси ишлаб чиқиш;

ковш-ўргичнинг ишлаш технологик жарёни параметрларини тадқиқ қилиш;

янги ковш-ўргич ёрдамида, коллектор-зовур тармоқларида таъмирлаш-тиклаш ишлари технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон шароитида очик коллектор ва зовур тармоқлари, дағал пояли ўсимликлар, ковш-ўргич ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив режими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** очик коллектор ва зовур тармоқлари, дағал пояли ўсимликлар, сизот сувлар, сув ўтказиш қобилияти, қурилманинг параметрлари, иш режимлари ва кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида ИСМИТИда қабул қилинган услублар, математик моделлаштириш, лойқа кирадиган кесим хосил қилиб ўриб тозалаш усули, экспериментал, натижаларни статистик таҳлил усуллари ва мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

очик коллектор ва зовур тармоқларидаги дағал пояли ўсимликларни бир вақтнинг ўзида ўриб ва тозалаб кетадиган ковш-ўргичнинг янги конструкцияси ва ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини ковш-ўргич ёрдамида дағал пояларнинг ичига сув ва лойқа кирадиган кесим хосил қилиб ўриб тозалаш усули ишлаб чиқилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликларни бир пайтда ўриб тозалаш орқали коллектор-дренаж тармоқларидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари технологияси такомиллаштирилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларида дағал пояли ўсимликларни ўсиш даражасига боғлиқ ҳолда ўриб тозалаш учун вақт меъёрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ковш-ўргичнинг янги конструкцияси ва ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

ковш-ўргичли гидравлик экскаваторларга вақт меъёрларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини сув ўтказиш қобилиятларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликлардан тозалаш технологияси ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги модел ва дала тажрибалари натижаларини ҳисоблаш ва назарий маълумотлар билан таққослаш, шунингдек, бошқа тадқиқотларнинг натижалари билан қиёслаш, конструкциясига ва ишлашига патент олинганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти очик коллектор ва зовурлардаги дағал пояли ўсимликларни ўриб олиш аппаратининг янги конструкцияси ва ундан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилганлиги, ҳамда ковш-ўргич ёрдамида очик коллекторлар ва зовурларни тозалашнинг суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган конструкция ва ҳисоблаш усулидан бевосита фойдаланиш, очик коллектор ва зовур тармоқларини сув ўтказиш қобилиятини 29% га ва зовур интенсивлигини 14% га ошириш имконини беради ҳамда булар натижасида тозаланган очик коллектор ва зовурлар хизмат кўрсатадиган суғориладиган ерларнинг тупроқларида вегетация даврида туз тўплаш интенсивлиги 35% гача камайиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ковш-косилка ёрдамида зовур захкаш тармоқларини дағал ўсимликлардан тозалаш технологияси бўйича олинган натижалар асосида:

очик коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликларни сув остидан ўриб тозалайдиган ковш-ўргич конструкцияси ва технологиясига Интеллектуал мулк агетлигининг ихтиро патенти олинган («Ковш-ўргич» №IAP 06088 - 2019 й.). Натижада ковш-ўргичнинг янги конструкцияси ва ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш имконияти яратилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини ковш-ўргич ёрдамида дағал пояларнинг ичига сув ва лойқа кирадиган кесим ҳосил қилиб ўриб тозалаш усули Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «Амударё Чап-қирғоқ



ирригация тизимлари хавза бошқармаси»га жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/25-4965- сон маълумотномаси). Натижада, очик коллектор ва зовур тармоқларидаги таъмирлаш-тиклаш ишларини такомиллаштирилган технологияси асосида бажариш имконияти яратилган;

очик коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликлардан ўриб тозалаш учун вақт меъёрларини Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги «СУВЛОЙИҲА» ДУК га жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 28 декабрдаги 02/25-4965-сон маълумотномаси). Натижада очик коллектор ва зовур тармоқларида таъмирлашлараро ишлаш муддатларини узайтиришга ва таъмирлаш-тиклаш ишларида маблағларнинг 5-8% гача тежалишига эришилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг апробацияси.**

Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

#### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 5 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та ихтиро учун патент.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Тадқиқот вазифалари ва муаммонинг ҳолати**" деб номланган **биринчи бобида** коллектор-дренаж тармоқларини махсус мелиоратив машиналар билан тозалаш усуллари ва конструкцияларни такомиллаштириш бўйича мавжуд тадқиқотлар таҳлили, коллектор-дренаж тармоқларида ўсадиган дағал пояли ўсимликлар, ишлаш жарёнида бўладиган носозликлар ва авария ҳолатлари шарҳи берилган.


Хорижий ва маҳаллий муаллиф тадқиқотчилари томонидан олиб борилаётган мавжуд тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, технология ва техник воситаларни такомиллаштириш бўйича асосий эътибор, мелиоратив

ва суғориш тизимларини ўсимликларни ўриб тозалашдаги турли технологиялар ва техник воситаларга қаратилган. ИСМИТИда бажарилган амалий лойиҳалар доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларига кўрава илмий адабиётлардан олинган маълумотлар асосида очик коллектор-зовур тармоқларида учта ўсимлик гуруҳлари ўсиши аниқланган (1-расм).



**1 - расм. Ингичга баргли лух билан оддий қамишнинг (ётган) тўплами**

Соҳил бўйи ўсимликларининг чизиғи. Ушбу чизик вакиллари коллектор-дренаж тармоқларининг қирғоқлари ва ички ёнбағрларида жойлашган. Вегетация давридаги қулай харорат ( $25-35^{\circ}\text{C}$ ), тупроқнинг доимий намлиги уларнинг коллектор-дренаж тармоқлари ички қияликларида тез ривожланишига шароит яратиб беради. Очик коллектор ва зовур тармоқларида, ўсимликлар турларининг вегетация даврида, сув муҳитига мослашув даражасига қараб жойлашиши рангли чизиклар орқали кўрсатилган (2-расм).



**2- расм. Очик коллектор ва зовур тармоқларидаги соҳил бўйи, ярим сув ости ва сув ости дағал пояли ўсимликларининг вегетатив ўсиш интенсивлиги**

Бу ўсимликлар асосан уруғлардан (кўп йиллик) ва вегетатив тарзда кўпаяди. Хоразм воҳаси шароитида қирғоқ бўйидаги уруғли ўсимликлар,

июль-август ойларида уруғлайди. Ярим сув ости ўсимликларнинг чизиғи - сув қирғоғи бўйлаб ва ундан юқори қирғоқ бўйлаб чўзилган ёки коллектор-дренаж тармоғининг бутун қисмига чўзилган. Ушбу ўсимликлар Хоразм воҳасининг барча коллектор-дренаж тармоқларида учрайди. Қамиш айниқса кенг тарқалган - бу яшаш шароитини унчалик талаб қилинмайдиган тур. У уруғлар билан кўпайиши мумкин ва вегетатив равишда (охирги усул устунлик қилади), бу эса тарқалишни ва янги жойларни эгаллашни осонлаштиради. Сув ости ўсимликлари чизиғи. Ушбу чизиғни рдест тешиқбаргли, жингалак ва ялтироқ (*Ceratophyllum demersum*), денгиз наяди ва бошқалар, тиниқ сувли коллектор-дренаж тармоқлари ҳудудларидакўп ёки камроқ тарқалган. Уларнинг мўл-кўл ривожланиши сайёз сувли ҳавзаларида кузатилади.

Диссертациянинг **“Очиқ коллектор ва зовуртармоқларини дағал пояли ўсимликлардан тозалашнинг технологик жараёнини ўрганиш”** иккинчи бобида очиқ коллектор ва зовур тармоқларини ўсимликлардан тозалаш технологик жараёнининг оптимал параметрлари, очиқ коллектор ва зовур тармоқларидан дағал пояли ўсимликлардан тозалаш учун ковш-ўргич қисқача техник таснифи ва очиқ коллектор ва зовур тармоқларини тозалаш учун ковш-ўргич билан дағал пояли ўсимликларни кесишнинг математик моделининг ҳисоб-китоб натижалари келтирилган. Республикамизда мелиоратив ишларни механизациялаш учун машиналар мажмуаси шаклланишини белгиловчи асосий ҳужжат "2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш учун машиналар ва технологиялар тизими" ҳисобланади. (Ш қисм, Мелиорация) (кейинчалик Машиналар тизими) тадқиқотчи иштирокида ИСМИТИ томонидан ишлаб чиқилган. Мелиоратив тизимларда ишлайдиган машиналар тизимида 11 та технологик мажмуалар мавжуд бўлиб, улардан биттаси "Суғориш, коллектор-дренаж тармоқлари ва дамбаларда ўсимликларни ўриб олиб ташлаш учун машиналарнинг технологик мажмуаси" 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал.

#### Суғориш, коллектор-дренаж тармоқлари ва дамбаларда ўсимликларни ўриб олиб ташлаш учун машиналарнинг технологик мажмуи

Операциялар	Қўллаш ҳудудлари	Технологик параметрлари	Техник воситалар
Каналнинг кўндаланг кесимидан бегона ўсимликларни йўқотиш	1,2,3	Ўсимликларнинг яшил массасини асосигача йўқотиш	Универсал ғилдиракли тракторлар тортиш синфи 0,9-5,0. 0,8 га/с ўриш қобилиятли каналнинг қиялигига мўлжалланган ўриш аппарати
Дренаж суви сатҳидан пастда каналлар ва тўғонлар ёнбағрини, қияликлар, тубларни ўриб олиш	1,2,3	Ўсимликларнинг кесиш баландлиги 11 см дан ошмайди	0,45 дан 0,6 м <sup>3</sup> гача бўлган занжирли гидравлик экскаваторлар. 2,1 дан 3 м гача бўлган бармоқ сегментли ўриш мосламаси (Ковш-ўргич)
Ўрилган ўсимликларни олиб ташлаш ва транспорт воситаларига юклаш	1,2,3	10% дан кўп бўлмаган ўсимликларнинг қияликларга тўкилиши, массани йўқолиши 0,5%	0,45 дан 0,6 м <sup>3</sup> гача бўлган занжирли гидравлик экскаваторлар. 2,1 дан 3 м гача бўлган бармоқ сегментли ўриш мосламаси (Ковш-ўргич)

1-жадвалда таклиф қилинаётган ковш-ўргичнинг техник хусусиятлари машинани синовдан ўтказган ва топширган ташкилотнинг фойдаланиш қўлланмаси маълумотларидан ва завод синовлари натижаларига асосланган.

Техник талаблар туфайли умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда, синовлар давомида алоҳида қисмлар ва умумий ишлайдиган органлар учун яхшиланган ва модернизация қилинган намуна кўрсаткичлари ўрнатилади 2-жадвал (3 ва 4- расмлар).



**3-расм. Экскаваторга ўрнатилган КК-2,1 маркали ковш-ўргич**

**4-расм. КК-3 маркали ковш-ўргич**

3 ва 4 расмлардаги ковш-ўргич, сегмент бармоқли ўриш аппаратли ковш-саватча кўринишида тайёрланган ва унга қуйидагилар ўрнатилган бўлиб 2-жадвалда кўрсаткич қийматлари сифатида берилган.

**2-жадвал.**

**Қамраш кенглиги 2.1 метр бўлган ковш-ўргичнинг қисқача техник таснифи**


№	Кўрсаткичларнинг номи ва параметрлари	Кўрсаткичлар қиймати
1	Ишлайдиган ускунанинг умумий ўлчамлари, мм Кенглик, узунлиги, баландлиги, саватчанинг узунлиги бўйлаб ковш саватининг ички ўлчами	2150x1760 970x1170
2	Ишлайдиган ускунанинг массаси, кг	508
3	Экскаватор ишлайдиган суяқлик босими, МПа Ковш-ўргични гидравлик моторига узатиладиган суяқлик босими, МПа	29,4 18
4	Экскаватор двигателини тирсакли валининг айланишлар тезлиги, r/min	2100
5	Гидравлик мотор томонидан ишлаб чиқилган айланиш моменти, Н.мм	71,5
6	Гидромотор қуввати, кВт	8,45
7	Гидромотор валининг айланиш частотаси, 1 / с	46
8	Структуравий равишда ўсимликнинг кесиш баландлиги, мм	105
9	Сегментли кесиш жихозининг узунлиги, мм	2100
10	Қайтиб кесувчи пластиналар билан сегментлар ўртасидаги масофа, мм	0,3-1,1
11	Иш жараёнида сегментнинг харакатланиш ўлчами, мм	106

2-жадвалда берилган қамраш кенглиги 2.1 метр бўлган ковш-ўргич билан очиқ коллектор ва зовур тармоқларидан дағал пояли ўсимликларнинг пояларини кесиш жараёнида сегмент ва бармоқ орасида қисилиши таъминлангандан сўнг улар қирқилишни бошлайди. Аммо улар қисилгунча




сегментнинг мураккаб ҳаракатланиши, яъни ковш-ўргич билан олдинга, ўриш аппарати рейкаси билан бирга ёнга илгариланма-қайтма ҳаракат қилиши ҳисобига поялар бўйлама ва кўндаланг йўналишда бироз эгилиши содир бўлади.

Диссертациянинг “Очиқ коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликлардан КК-2,1 ковш ўргич билан тозалашнинг суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатига таъсири” мавзусидаги учинчи бобида иккинчи бобда келтирилган таҳлилдан келиб чиқадиган тадқиқот саволлари ва вазифалари баён этилган. Тадқиқотлар ўтказиш учун, тавсия этилаётган ковш-ўргичлар ёрдамида, очиқ коллектор ва зовур тармоқларини дағал пояли ўсимликлардан тозалашда бир хил иш шароитини таъминлаш мақсадида Хоразм вилоятининг Боғот туманида жойлашган узунликлари 1000 м бўлган, Д-1 ва Д-2 тўғри участкали очиқ коллектор ва зовур тармоқлари танланган (5-расм).



**5-расм. Хоразм вилояти Боғот туманидаги ўрганилаётган очиқ коллектор ва зовур тармоқларининг ер ости сувларини ўлчовчи қудуқларнинг жойлашиши**

Ўтказилган илмий тадқиқот ишларидан олинган натижалар шуни кўрсатдики Д-1 ва Д-2 номли очиқ коллектор ва зовур тармоғининг ишлаш муддатларининг ўзгаришига улардаги дағал пояли ўсимликларни механизациялашган (ковш-ўргичлар) усулда ёки қўл кучида ўриб тозалаш технологияларига боғлиқ экан. Дала тажрибалари ўтказилган ҳудудларда ер ости сувлари пасайиши ва Д-1 номли очиқ коллектор ва зовур тармоғида сув ўтказувчанлигининг ошиши кузатилди (6-расм).



**6-расм. Ковш-ўргич ёрдамида Д-1 коллектор-дренаж тармоғини ўриб олингандан сўнг ер ости сувларисатҳининг пасайиши**

Кузатиш натижаларига асосан Д-1 номли очиқ коллектор ва зовур тармоғининг ер ости суви ўзгариши графигини (6-расм) тузиш имкони берди. Ҳисоб-китоблар натижалари асосида олинган графикдан (6-расм) кўришиб турибдики, ўрганилаётган очиқ коллектор ва зовур тармоқларининг турли даврларида, ер ости сувининг сатҳи, 2011 йилга нисбатан ишлаб чиқилган ковш-ўргич билан ўрилганда ўртача 29% камроқни ташкил қилади.


Коллектор ёнларининг қиялиги очиқ коллектор ва зовур қуриладиган ёки таъмирлаш-тиклаш ишлари ўтказиладиган коллекторнинг бермаси қиялиги грунтнинг шўрланганлик даражасига қараб 3-жадвалда келтирилган қийматлар асосида қабул қилиниши тавсия қилинади.

### 3-жадвал.

**Очиқ коллектор ва зовур ёнларининг қиялигини грунтнинг шўрланганлигига даражасига қараб қурилиш ёки таъмирлаш – тиклаш ишларини бажариш**

Грунтларнинг номланиши	Коллектор ёнларининг қиялик коэффициенти m	
	Шўрланмаган ва кам, ўрта шўрланган грунтларда	Кучли шўрланган грунтларда
Гил ва оғир қумоқ грунтларда	1,0	1,0-1,25
Ўрта қумоқ грунтларда	1,25-1,5	1,5-1,75
Қумлоқ ва енгил қумоқ грунтларда	1,75-2,0	2,0-2,5
Майда қумларда	2,5	2,5
Барханли ва оқувчи қумларда	2,5-3,0	3,0-3,5
Тош қотишмали ва шағал грунтларда	1,0-1,25	1,0-1,25

3-жадвалда келтирилган қийматлар асосида қабул килинган коллекторнинг қиялигини турғун ҳолатда ишлашининг асосий элементлари бу коллектор чуқурлиги  $H$ , грунтнинг табиий қияликнинг бурчаги  $\varphi$  (ёки грунт ички ишқаланиш коэффициенти), лойиҳавий қиялик бурчаги  $\alpha_1$  -  $m$ -лойиҳавий қиялик коэффициенти, қиялик ўпирилиш (ён ташлаш) линияси бурчаги  $\theta$ , коллекторда кузатилган максимал сув чуқурлиги  $h_{\text{сув}}$  лар ҳисобланади (7-расм).




**7 -расм. Коллектор қиялик турғунлигини назарий ҳисоблаш схемаси:**

1- қиялик лойиҳавий қиялиги; 2-ўпирилиш (ён ташлаш) чизиғи; 3- грунт ички ишқаланиш бурчагига (табиий қиялик бурчаги) мос келувчи чизик; 4-ўпирилгандан кейин қияликнинг бўлиши мумкин бўлган ташқи кўриниши чизиғи; 5-грунт массивининг кулаш призмаси

Қиялик турғунлиги асосан коллектор чуқурлигига (шу жумладан депрессия эгри чизиғи чиқиш нуктасининг коллектор тубига нисбатан жойлашган ўрнига), қиялик коэффициентига ва грунт турига боғлиқ. Реал ҳолатдаги муаммони назарий жиҳатдан кўриб чиқишдан олдин баъзи тушунчаларни белгилаш учун иккита элементар масалани кўриб чиқамиз:

- идеал бирикмайдиган (сочилувчан, масалан кум) грунтдан ташкил топган қиялик турғунлиги ;
- идеал бирикувчан (боғланган, масалан кумлоқ) грунт массиви қиялиги турғунлиги.

**Идеал бирикмайдиган грунтдан ташкил топган қиялик турғунлиги.**  $AB$  қиялик сиртига перпендикуляр  $N$  ва унга параллел  $T$  ташкил этувчилар (8,*a*-расм).



**8-расм. Қияликдаги  $M$  заррасига таъсир этувчи кучлар схемаси:**  
*a* – бирикмайдиган грунт; *b*- бирикувчан грунт

Бунда  $T$  куч  $M$  зарраларни қиялик тагига силжитишга ҳаракат қилади, аммо унга қиялик сиртига перпендикуляр  $N$  босим кучига пропорционал акс таъсир этувчи  $T'$  куч тўсқинлик қилади.

$$\begin{aligned} \text{У ҳолда, } N &= F \cdot \cos\alpha; & T &= F \cdot \sin\alpha \\ T' &= f \cdot N = f \cdot \cos\alpha = F \cdot \cos\alpha \cdot \operatorname{tg}\alpha \end{aligned} \quad (1)$$

Бунда  $f$  - грунт зарраларининг ишқаланиш коэффициентини.

Қиялик турғунлиги чекка мувозанат шартида қияликнинг  $M$  нуктасидаги барча кучларнинг қиялик сиртига проекцияси тенгламасини тузамиз:

$$F \cdot \sin\alpha - F \cdot \cos\alpha \cdot \operatorname{tg}\alpha = 0 \quad (2)$$

Бу ердан  $\operatorname{tg}\alpha = \operatorname{tg}\varphi$  шартида, аниқланган якуний  $\alpha = \varphi$  ҳисоб, шундай қилиб бирикмайдиган грунтдан ташкил топган қиялик коэффициентини шу грунтнинг табиий қиялик коэффициентига тенг бўлиши шарт эканлигини аниқлаймиз. Яъни, бирикмайдиган грунтдан ташкил топган қиялик энг катта чегара (ўпирилмайдиган, ён ташламайдиган) қиялик бурчаги ички ишқаланиш бурчагига тенг. Ушбу бурчак табиий қиялик бурчаги деб ҳам юритилади.

**Идеал бирикувчан грунтдан ташкил топган қиялик турғунлиги.**

Коллекторларнинг 5 метрдан ортиқ чуқурликларида, грунт массасинг таъсирида, қиялик турғунлиги (структура мустаҳкамлиги) мувозанатнинг бузилиши горизонтга нисбатан  $\theta$  бурчак остида оғишган  $BD$  ясси сирт бўйлаб содир бўлади, чунки  $B$  ва  $D$  нукталар орасидаги бундай сиртларнинг энг кам майдонида  $BD$  текисликда эга бўлинади. Ушбу текислик ( $BD$  текислик) юзаси бўйлаб  $C$  солиштирма илашиш кучи таъсир этади.  $ABD$  ўпирилиш призмасига таъсир этувчи барча кучларнинг мувозанат тенгламасини тузамиз (8, б-расм), ўпирилиш призмаси томонлари  $AB = H_K \cdot \operatorname{ctg}\theta$ ,

у ҳолда

$$F = \frac{\operatorname{ctg}\theta \cdot \gamma \cdot H_K^2}{2}, H; \quad (3)$$

Бу ерда  $\gamma$ -грунтнинг зичлиги.

Ўпирилиш призмасининг  $BD$  сирт бўйича сирпаниб пастга тушишига қаршилик кўрсатувчи, сирпаниш текислиги бўйлаб тақсимланадиган кучлар фақат  $C$  солиштирма илашиш кучлари бўлади.

$$BD = \frac{H_K}{\sin\theta} \quad (4)$$

$ABB$  ўпирилиш призмасининг юқорги  $B$  нуктасида босим нолга тенг, пастки  $D$  нуктасида максимал қийматга эга бўлади, ўртасида эса – солиштирма илашишнинг ярмига тенг бўлади. Барча кучларнинг сирпаниш текислигида проекциялари тенгламасини тузамиз ва уни нолга тенглаштириб оламиз (қиялик турғунлик шарти):

$$\frac{\gamma}{2} \cdot H_K^2 \cdot \operatorname{ctg}\theta \cdot \sin\theta - \frac{c \cdot H_K^2}{2} \sin\theta = 0 \quad (5)$$

$$c = \frac{\gamma \cdot H_K}{2} \sin 2\theta \quad (6)$$



$\sin 2\theta = 1$  деб  $\theta = 45^\circ$  бўлганда, қуйидагини ҳосил қиламиз

$$H_K = \frac{2c}{\gamma}, \text{ м;} \quad (7)$$

Юқоридаги ифодадан кўриниб турибдики, коллектор чуқурлигининг  $H_K > 2c/\gamma$  қийматларида горизонтга бурчак остида бўлган сирпаниш текислиги бўйлаб қиялик қулаши (ўпирилиши, ён ташлаши) содир бўлади. Хоразм вилоятининг Боғот туманининг туз баланси ҳисоб-китоб натижаларида йил давомида тумандан умумий чиққан туз миқдори 2,72 т/га, ўсув даврида 1,3 т/га ва ноўсув даврида 1,42 т/га га тенг бўлганлигини ва эвапотранспирация йил давомида (Е) 8903 м<sup>3</sup>/га, горизонтал дренаж орқали туман худудидан чиқиб кетган сув (Гд) 614 м<sup>3</sup>/га, ташлама (Таш) 2039 м<sup>3</sup>/га, туман худудига четдан келган сув (О) 960 м<sup>3</sup>/га, умумий сув баланси (W) -64 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилади.

Диссертациянинг "**Янги ковш-ўргични ишлатиш орқали коллектор-дренаж тармоқларидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари технологиясини такомиллаштириш**" мавзусидаги **тўртинчи бобида** коллектор-дренаж тармоқларининг эксплуатация параметрларини тиклаш технологиясини ишлаб чиқариш ва экспериментал синов натижалари тавсифланади. Диссертациянинг параграфларида, ўриб олиш ишлари ҳажмини аниқлаш, шунингдек асосий ковш-ўргичлар ёрдамида очиқ коллектор ва зовур тармоқларидаги ўсимликларни ўриб олиш учун асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқаришда таклиф этилаётган технологиялар ишлаб чиқаришда қўллаш ва баҳолаш мезонлари келтирилган.

Очиқ коллектор ва зовур иш ҳажмини аниқлаш, коллектор-дренаж тармоқларининг пастки тубини ва ён бағирлари майдонини ҳисоблашдан иборат бўлиб, ковш-ўргич машиналар учун яратилган янги таснифга биноан ўсиб чиқиш даражасини белгилайди:

- коллектор-дренаж тармоқларининг умумий ўриш майдони қуйидаги кўринишдан аниқланади

$$F_{\text{ўриш}} = F_{\text{туби}} + F_{\text{қиялиги}}, \text{ м}^2 \quad (8)$$

$F_{\text{туби}}$  – коллектор-дренаж тармоқларининг тубини ўриш майдони қуйидаги формуладан ҳисобланади

$$F_{\text{туби}} = b_k \cdot L_{\text{кан}}, \text{ м}^2 \quad (9)$$

бу ерда  $b_k$ - коллектор-дренаж тармоқлари тубининг эни, м;

$L_{\text{кан}}$ -коллектор-дренаж тармоқларининг ўриб олинган майдон узунлиги, м;

$F_{\text{қиялиги}}$  – қияликни ўриб олиш майдони қуйидаги формуладан ҳисобланади

$$F_{\text{қиялиги}} = 2 \cdot L_{\text{қиялик}} \cdot L_{\text{кан}}, \text{ м}^2 \quad (10)$$

бу ерда  $L_{\text{қиялик}}$  – коллектор-дренаж тармоғининг қиялигини ўриб олиш (сув ости ва сув усти) узунлиги, м;

бу қуйидаги муносабат орқали аниқланади;

$$L_{\text{қиялик}} = 2L = 2(h_{\text{сув}} + 1)\sqrt{1 + m^2}, \text{ м} \quad (11)$$

$h_{суб}$ - коллектор-дренаж тармоқдаги сувнинг чуқурлиги, йилнинг даврига боғлиқ бўлади, м;

1м – коллектор-дренаж тармоқдаги сув сатҳидан юқори максимал масофа, ундан пастда ўсимликлар ўриб олиш ишлари бошланади ва коллектор-дренаж тармоқларининг бўлимлари вақтинча ёпиш мосламаси ёрдамида сув билан тўлдирилиб, ўсимликнинг пояси найчаларини илдизга 3-5 см коллектор суви ва лойқа билан тўлдиради, шунда ўсимликнинг илдиз тизими чириydi;  $m$  - коллектор-дренаж тармоқларининг ёнбағирларини ётқизиш коэффиценти.

Шундай қилиб, коллектор тўлиқ ва қисман ҳаддан ташқари ўсиб чиққандан сўнг, тавсия этилган усул ишончли натижани беради, бу ўсиш даражасининг янги таснифини, янги технология параметрларини ва дағал пояли ўсимликлардан коллекторларни ўриб олишнинг техник стандартларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таклиф этилаётган технологияни қўллашнинг иқтисодий самараси асосан техник самарадорликнинг ошиши ва ковш-ўргичга ойлик техник қаровнинг камайиш давомийлиги ҳисобига шаклланади (4-жадвал).

#### 4-Жадвал

##### 1000 м<sup>2</sup>майдонни тозалаш учун вақт нормалари

Иш шароитининг таснифи	GLG-925LL маркали экскаваторга уланган ковш-ўргич							
	Ўсиш даражаси (1 м <sup>2</sup> даги ўсимликлар сони, дона)							
	КК-2,1				КК-3			
	кучсиз (70 гача)	ўртача (70 дан 150 гача)	кучли (150 дан 300 гача)	жуда кучли 300 дан ортиқ	кучсиз (70 гача)	ўртача (70 дан 150 гача)	кучли (150 дан 300 гача)	жуда кучли 300 дан ортиқ
	Ўлчов бирлиги машина-соатда (киши-соатда)							
Чуқурлиги 5м дан, тубининг эни 3-5м	0,84 (0,84)	0,94 (0,94)	1,0 (1,0)	1,2 (1,2)	0,65 (0,65)	0,72 (0,72)	0,80 (0,80)	0,96 (0,96)

#### 5-жадвал

**Чўмич хажми 0,5 м<sup>3</sup> бўлган занжирли юритмасига эга, тескари чўмич иш жиҳозли GLG-925 LL бир чўмичли гидравлик экскаваторлар билан коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш. Ўлчов бирлиги: 1000 м<sup>3</sup> тупроқ**

Ресурс коди	Харажат элементларининг номлари	Ўлчов бирлиги.	I	II
	Машинистнинг меҳнат сарфи	киши.-с.	14,0	15,7
03421	0,5 м <sup>3</sup> чўмич хажмига эга занжир юритмали GLG 925 LL гидравлик экскаватор	маш.-с	14,0	15,7

Диссертациянинг 2 иловасига мувофиқ GLG 925 LL маркали гидравлик экскаваторнинг 1 машина-соат таннархи **329 454** сўм олинган.

Коллектор-дренаж тармоқларини тескари чўмич ишчи жиҳозига ва 0,5 м<sup>3</sup> чўмич хажмига эга, маълум хажмда тупроқ чиқарувчи бир чўмичли экскаватор билан ишлов бериладиган коллектор-дренаж тармоғининг ҳар бир метрига 3 дан 4 м<sup>3</sup> гача гуруҳли тупроқларни тозалаш учун тўғридан-тўғри харажатлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{экс} = N_{экс} \cdot C_{маш} = 14 \cdot 329\,454 = 4\,612\,356 \text{ сўм}/1000 \text{ м}^3$$

Юқоридаги маълумотларга асосланиб, 1000 м<sup>2</sup> ўсимликларни ўриб олиш нархини куйидаги ифода билан аниқлаймиз:

$$C_{\text{кос}} = N_{\text{кос}} \cdot C_{\text{маш}} = 1 \cdot 329\,454 = 329\,454 \text{ сўм}/1000 \text{ м}^2$$

0,5 м<sup>3</sup> чўмич сифмига эга GLG 925 LL бир чўмичли экскаватор, ва GLG 925 LL бир чўмичли экскаваторга ўрнатилган КК-2.1 ўрадиган ковш-ўргич билан коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш учун нархлардаги фарқни аниқланади:

$$\Delta_3 = 4\,612\,356 - 329\,454 = 4\,282\,902 \text{ сўм}$$

0,5 м<sup>3</sup> чўмич сифмига эга GLG 925 LL бир чўмичли экскаватор, ва GLG 925 LL бир чўмичли экскаваторга ўрнатилган КК-3 ўрадиган ковш-ўргич билан коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш учун нархлардаги фарқни аниқланади:

$$C_{\text{кос}} = N_{\text{кос}} \cdot C_{\text{маш}} = 0,77 \cdot 329\,454 = 253\,679 \text{ сўм}/1000 \text{ м}^2$$

$$\Delta_3 = 4\,612\,356 - 253\,679 = 4\,358\,677 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, GLG-925LL маркали 0,5 м<sup>3</sup> чўмич сифмига эга гидравлик экскаватор билан тозалангандан кўра GLG 925 LL маркали бир чўмичли экскаваторга ўрнатилган КК-2,1 ковш-ўргич ва тавсия этилган технологиялар билан коллектор-дренаж тармоғини ўриб олиш ишлари 13 барабар кўп, КК-3 ковш-ўргич билан коллектор-дренаж тармоғини ўриб олиш ишлари 17 барабар кўп самаралилиги аниқланди.

### ХУЛОСАЛАР

«Ковш-косилка ёрдамида зовур захкаш тармоқларини дағал ўсимликлардан тозалаш технологияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг очик коллектор ва зовур тизимлари бегона ўт уруғларини суғориладиган майдонларга интенсив равишда тарқатиш ўчоғидир (мелиоратив очик коллектор ва зовур тармоғининг 1 м<sup>3</sup> сувида 9,5 минг донагача уруғ мавжуд). Хоразм вилоятидаги очик коллектор ва зовур тармоқларининг нотекистик коэффиценти 10 мартадан кўпроққа ошган, яъни 0,15 дан 2,5 гача ошади. Натижада очик коллектор ва зовур тармоқларида дағал пояли ўсимлар билан ўсиш интенсивлигини пасайишига имконият яратилди.

2. Тумандаги зах қочириш тизимлари коллекторлари қияликлари ва бермаларининг турғунлигини йўқолишининг асосий сабаблари: очик коллектор ва зовурларни лойқа чўкинди ва ўсимликлардан умум қурилиш бир чўмичли экскаваторлар билан тозалаш технологиялари қўлланилиши; улар туби ва ёнларидан, асосан ўсимликлар томирлари билан бирга чимга айланган, қалинлиги 1,0 метргача бўлган грунт палахсаларини кўчиб чиқиши; дағал пояли ўсимликлар билан ўсган очик коллектор ва зовурларни сифатли тозалашни таъминлайдиган ва параметрларини ўзгартирмасдан тозалашга ихтисослашган иш жиҳозининг мавжуд бўлмаганлиги билан изоҳланади. Натижада, Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги очик коллектор ва зовур қияликлари турғунлигига: хизмат кўрсатиш, улар хизмат

кўрсатадиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини белгиловчи сизот сувларининг сатҳлари, минерализацияси, коллектор-зовурга ташланадиган оқава сувлар ҳажмининг ўзгариши динамикасининг таъсирини баҳолаш имконияти яратилди.

3. Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги коллектор ва зовур тармоқларидаги дағал пояли ўсимликларини ўриб олиш учун КК-2.1 (IAP06088-сонли ихтиро патенти) маркали сегментли бармоқли кесиш аппарати, ковш-ўргичнинг конструктив ва технологик параметрлари оптимал кўрсаткичларини ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

4. Очиқ коллектор ва зовур тармоқларини КК-2,1 ковш-ўргич билан тозалаш натижасида уларга оқиб келадиган сизот сувлар миқдори (сизиш жадаллиги) 0,5 м/кунни ташкил қилиб, олдингига нисбатан 20-25% га ошиши имконияти яратилди.

5. Очиқ коллектор ва зовур тармоқларини КК-2,1 ковш-ўргичда тозалаш технологиясини қўллаш натижасида улар хизмат қиладиган суғориладиган ерлар сизот сувлари сатхининг камайиши (15-25 см), зовур интенсивлигининг ошиши (0,5м/сут) натижасида тупроқда туз тўплаш жадаллиги 35% га камайиши имконияти яратилди.

6. Ўрганилган очиқ коллектор ва зовур тармоқларида, қўлда ўрилган коллектор-зовурларга нисбатан, ишлаб чиқилган ковш-ўргич билан ўрилиши натижасида коллектор-зовурларда сув ўтказиш қобилияти ўртача 29% га ошиши имконияти яратилди.

7. Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги очиқ коллектор ва зовур тармоқларини КК-2,1 ковш-ўргичда тозалаш технологиясини қўллаш натижасида ён қияликлари турғунлик коэффицентини 1,4 қийматгача таъминлашга эришилди. Натижада очиқ коллектор-зовурлар ёнлари мавсумий (шўр ювиш даврида ва эрта баҳорда) ўпирилишларига барҳам берилди, таъмирлаш-тозалаш ишлари даврийлигини 1,2-1,4 баробарга ошириш имкониятини беради.

8. GLG 925 LL маркали бир чўмичли экскаваторга илинган КК-2,1 маркали ковш-ўргич билан тавсия қилинган технология асосида очиқ коллектор ва зовур тармоқларидаги дағал пояли ўсимликларни ўриб олиш, GLG 925 LL маркали 0,5 м<sup>3</sup> сиғимли чўмичга эга бўлган гидравлик экскаватор билан қазиб тозалашга нисбатан 13 баравар ва КК-3 ковш-ўргич билан ўриб олиш ишлари эса 17 баравар кўп самарали эканлиги аниқланди.

Тавсия қилинаётган технологияни Республикамиз сув хўжалиги объектларига жорий этилиши натижасида, очиқ коллектор ва зовур тармоқларидаги дағал пояли ўсимликлардан тозалаш учун яратилган КК-2,1 ковш-ўргичнинг иқтисодий самарадорлиги, зах қочириш тизимининг ҳар бир метрдан 9 323 сўмни тежаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО  
ХОЗЯЙСТВА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ  
И ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ**

**МУРАТОВ ОКИЛБЕК АШИРБЕКОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ОКАШИВАНИЕ КОЛЛЕКТОРНО-ДРЕНАЖНЫХ  
СЕТЕЙ ОТ ГРУБОСТЕБЕЛЬНОЙ РАСТИТЕЛЬНОСТИ  
КОВШ-КОСИЛКОЙ**

**06.01.02- Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Т.293.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) размещен на веб-странице по адресу [tiame.uz](http://tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:**

**Рахимов Шавкат Хударгенович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Шеров Анвар Гуламович**  
доктор технических наук, профессор

**Жураев Фазлиддин Уринович**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**ООО «УзГИП»**

Защита состоится «07» июля 2021 г. в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39, Тел: (+99871) 237-22-67. Факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (зарегистрирована № 174). (Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязова, 39.Тел: (+99871) 237-19-45

Автореферат диссертации разослан «21» июнь 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №174 от «21» июнь 2021 г.).



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мире большое внимание уделяется вопросам энергосберегающих технологий и оборудования для очистки открытых коллекторно-дренажных систем. При этом, в развитых странах особое внимание уделяется эффективным методам по скашиванию и очистки от грубостебельных растений открытых коллекторно-дренажных систем, с целью предотвращения обратной засыпки и удаления грубостебельных растений в открытых коллекторно-дренажных системах в вегетационный период. В связи с этим важно использовать оптимальные методы уборки растений на дне и откосах открытых коллекторно-дренажных сетей.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений по обслуживанию, усовершенствованию технологии и технических средств для очистки мелиоративных и оросительных систем. В этом аспекте особое внимание уделяется на разработку машин и технологий для уборки и обработки грубостебельных растений без влияния на параметры мелиоративных и оросительных систем, а также их водозабор, водопроницаемость и предотвращение помутнения.

В республике проводятся обширные теоретические и экспериментальные исследования по развитию системы управления водными ресурсами, сокращению затрат труда и энергии, экономии ресурсов, созданию новых поколений машин и механизмов с рабочими технологиями, где достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. указаны предстоящие задачи, в том числе «...дальнейшее развитие мелиоративных и ирригационных объектов для увеличения конкурентоспособности национальной экономики»<sup>1</sup>. При выполнении этих задач важно создать новые ресурсосберегающие инновационные скашивающие устройства с усовершенствованными технологиями, в том числе за счет использования технологий.

Данная диссертационная работа в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указе Президента Республики Узбекистана УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистана, на 2020 – 2030 годы» и постановлениях ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», ПП-3672 от 17 апреля 2018 года «О мерах по организации деятельности Министерства водного хозяйства Республики Узбекистан» и ПП-4486 от 9 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной области.

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан».

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

